

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/4 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ 5/4 (3) - 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Аббасов Беҳзод Бахтиёрович*
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ
ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ
БОШЛАНИШИ 10-21
- Бабаджанов Хасан Бахтиёрович*
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ 22-27
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ 28-36
- Rasulov Ma'murjon Foziljonovich*
O'ZBEKISTONDA XALQARO SAYYONLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS
OVYEKTLARINING O'RNI 37-42
- Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна*
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ 43-51
- Esonov Ziyodbek Yuldashevich*
FARG'ONA VODIYSI QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN 52-58
- Фарманова Гульнара Комилевна*
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА
АФРАСИАБЕ 59-65
- Turaev Sherzod Gulboy ugli*
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN
OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH 66-71
- Сотиболдиев Файратжон Отамирзаевич*
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА
ЕЧИМЛАР 72-78
- Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich*
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ
ТАВСИФИ 79-90
- Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна*
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН 91-95
- Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли*
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН 96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқулова*
ИСЛОМИЙ СУҒУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i> БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i> BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O‘RNI	119-125
<i>Орзукулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i> ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i> O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONIYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o‘g‘li</i> YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbonov Ma‘murjon G‘ayrat o‘g‘li</i> ASOSIY ISHLAB CHIQRISH KO‘RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O‘ZBEKISTON TURIZMI RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i> РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Ғойипназаров Санжар Баходирович</i> ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҚАМЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллаевич</i> ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Қурбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Хакимов Дамир</i> ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asatxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o‘g‘li</i> YASHIL IQTISODIYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSIYALARNI YO‘NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzatova Nargiza Garurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitdjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ЎРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'yudinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'uchiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдиваит ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLAR BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbonova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i> THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i> ETEL LILIAN VOYNICHNING “SO’NA” ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i> TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDA LMALARNING USLUBIY QO’LLANILISHI	319-325
<i>Асадова Дилбархон</i> ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ	326-342
<i>Khusanov Eldor Davlat o’g’li</i> BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALARINING O’XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i> ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
<i>Шымбергенова Улзада</i> ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i> ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
<i>Мирзаев Шухрат Шавкатович</i> КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i> “ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ”	383-392
<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i> XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
<i>Музафарова Саодат Хайдаровна</i> ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415

<i>Xaydarova Iroda Nizomiddinovna</i> BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ...	416-421
<i>Шукурова Нафиса Алишеровна</i> ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ	422-427
<i>Nigmanov Bori Botirovich</i> FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING AHAMIYATI	428-433
<i>Муродова Дурдона Раимжон қизи</i> БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ	434-438
<i>Axmedov Alisher Nosir o'g'li</i> ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI	439-447
<i>Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH MEKANIZMLARI	448-452
<i>Mansurbekova Feruza Gayratovna</i> BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	453-456
<i>Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna</i> O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI	457-465
<i>Atamuratova Munira</i> O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJIY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL METODLAR TAVSIFI	466-471
<i>Нурилло Эминов</i> ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА БИР НАЗАР	472-476

07.00.00 – Тарих фанлари

Саидбобоева Гулзора Нематжонова,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
т.ф.ф.д. (PhD)

ГОЭРЛО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Аннотация. Совет даврининг йирик лойиҳаларидан бири саналган ГОЭРЛО режаси ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Ўзбекистонда амалга оширила бошлаган. Мақолада режанинг аҳамиятли тарафлари, унинг Республика халқ хўжалиги, саноати ва ижтимоий ҳаётига кириб келиш тарихи тадқиқотчи томонидан архив фондлари ҳужжатлари, тарихий адабиётлар ва манбалар асосида ана шу жараённинг мазмун-моҳияти батафсил таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ГОЭРЛО, электр энергетика, гидроэлектр станцияси, саноат, халқ хўжалиги.

Саидбобоева Гулзора Нематжонова,
Доцент Национальногао университетеа Ўзбекистана,
д.ф.и.н. (PhD)

ПЛАН ГОЭРЛО И ЕГО РЕАЛИЗАЦИЯ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. План ГОЭРЛО, считающийся одним из крупных проектов советской эпохи, начал реализовываться в Узбекистане, как и в других регионах бывшего Союза, с 20-х годов прошлого века. В статье исследователем на основе архивных документов, исторической литературы и источников подробно анализируются важные аспекты плана, история его вхождения в народное хозяйство, промышленность и общественную жизнь республики.

Ключевые слова: ГОЭРЛО, электроэнергетика, ГЭС, промышленность, народное хозяйство.

Nematjonovna Saidboboeva Gulzora,
Docent of the National University of Uzbekistan, PhD

GOELRO PLAN AND ITS IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN

Abstract. The GOERLO plan, considered one of the major projects of the Soviet era, began to be implemented in Uzbekistan, as in other regions of the former Soviet Union, from the 20s of the last century. In the article, the researcher, on the basis of archival documents, historical literature and sources, analyzes in detail the important aspects of the plan, the history of its entry into the national economy, industry and social life of the republic.

Keywords: GOERLO, electric power industry, hydroelectric power station, industry, national economy.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N03>

Кириш. 1920 йилнинг февралида Бутунроссия МИҚ томонидан мамлакатни 10-15 йилга мўлжалланган электрлаштириш режасини ишлаб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди. Шу мақсадда Россияни электрлаштириш бўйича Давлат комиссияси (ГОЭЛРО) ташкил этилди. Россияни электрлаштириш бўйича давлат Комиссиясининг дастурида (1920 йил 13 март) алоҳида туманлар бўйича электрлаштириш ҳам кўриб чиқилган бўлиб, маҳаллий тошқўмир конлари ривожига кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда улардан электр таъминотида фойдаланиш, истеъмол учун асосан кўмир қазиб олиш, экин етиштириш ҳамда пахта қайта ишлаш, машиналашган суғориш, коммунал хўжалик тараққиётига қаратиш, электрлаштириш учун Тошкент воҳаси ва Фарғона кўпроқ тайёр туманлар сифатида эътироф этилиши, Туркистонда сув энергиясининг кадастрини йўлга қўйиш, у билан боғлиқ бўлган дарёларнинг гидрометрия ишини тегишли тарзда йўлга қўйиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Комиссия таркибида халқ хўжалигининг турли тармоқларидан 200 га яқин таниқли мутахассислар иштирок этган [1; 89].

Адабиётлар таҳлили ва методология. Совет даврида чоп этилган қатор асарлар мафкура тизгини остида ёзилган бўлишига қарамай, электрлаштиришга оид муҳим маълумотларни ўзида жамлагани билан аҳамиятлидир (Г.М. Кржижановский, Д.И. Надточеев, П.И. Ляшенко, В.Й. Стеклов, Н.П. Никитин, С.Г. Струmlin, А.Б. Маркин).

“План электрификации РСФСР” номли тўплам (1955 йил), хусусан, Туркистонни электрлаштириш режаси, муқаддима, иқтисодий лавҳа электрлаштириш тарихи ва истиқболлари ҳақида тасаввур бериш имконини беради.

Сўнгги йилларда Россияда чоп этилган бошқа қатор ишларда электрлаштириш тарихига доир қимматли материаллар берилган бўлиб, улар ҳам аввал маълум бўлмаган янги тарихий далилларга асосланганлиги, масалага жаҳон электрлаштириш тараққиёти контексти асосида ёндашувнинг устунлиги билан ажралиб туради (В.Л. Гвоздецкий, Н.С. Симонов, М.С. Еряшева, Т.В. Соловева).

Тадқиқот методологияси. Муаммони ёритишда тизимлаштириш, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез ҳамда муаммовий-хронологик каби илмий тадқиқот усуллари билан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. 1920 йилнинг 24 мартда Ишчи-деҳқон муҳофаази Кенгаши томонидан тасдиқланган “Россияни электрлаштириш бўйича комиссия тўғрисидаги Низом”да Бутуниттифоқ Халқ хўжалик Кенгаши барча ташкилотларга ГОЭЛРОнинг талаби билан комиссия ишини амалга ошириш учун зарур барча турдаги материал ва маълумотларни тақдим этишини мажбурий этиб белгиланган.

Лойиҳалаштирилаётган ГОЭЛРО режасида саноат тараққиёти кўрсаткичлари ўз даври учун ҳақиқатан ғайриодатий, шу билан бирга кескин ўсиш суръатларини қамраб олган эди. ГОЭЛРО режасига асосан саноатнинг алоҳида соҳалари ривожини бўйича вазифалардан бири сифатида 10-15 йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини урушдан (фуқаролар уруши – Г.С.) аввалги мавжуд даражадан 2 бараварга, 1920 йилдаги кўрсаткичнинг эса 15-16 бараварга ошириш кўзда тутилган [2; 41]. Чунки совет саноатининг 20-йиллар бошидаги кўрсаткичлари 1913 йилдаги ҳолатдан анча қуйи даражаларда эди.

1920 йилнинг 29 декабрида бўлиб ўтган Советларнинг VIII Бутунроссия съезди фуқаролар урушининг тугаганлиги ва тинч хўжалик ҳаётини тиклашга ўтиш бошланганлигини эълон қилди. Съездда оғир саноат, транспорт, қишлоқ хўжалигини

тиклаш масалалари муҳокама қилиниб, махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган ва Г.М. Кржижановский маърузасида билдирилган машҳур Россиянинг электрлаштириш режаси ГОЭЛРО режаси деб аталган. Съездда ГОЭЛРО режаси ҳам муҳокама қилиниб, у совет давлати халқ хўжалигининг дастлабки истиқболли режаси сифатида маъқулланади [3; 48]. Кейинроқ 1921 йилнинг 22 феврилида қисқартмаси Госплан деб аталган “Давлат умумрежа комиссияси ҳақидаги Низом” қабул қилиниши билан дастлабки ва барча саъй-ҳаракатлар Иттифоқ органларининг режали тизимига киритилган [4; 31].

Мамлакатнинг янги шаклдаги ишлаб чиқариш тараққиёти учун электрлаштириш техникавий асос бўлиб, меҳнат предметига ишлов бериш ва унга турли усуллар тадбиқ этиб, меҳнат сифати механик қуроллар билан эмас, энергиянинг ўзидан олинadиган бўлди. Электроэнергиянинг универсаллиги шундан иборат эдики, у бевосита меҳнат предметини яхшилаш ҳамда механик технологияни электр қувватига алмаштириш имконини берарди.

Г.М. Кржижановский ўз маърузасида Америка каби капиталистик давлат ўзининг хўжалиги учун истиқболдаги қатор йирик лойиҳаларини ишлаб чиқаётгани, 1921 йилда Қўшма Штатларда гидроэлектр станцияларнинг қуввати 4 млн дан 7 млн га ошганлигини, ҳозиргача 1/10 улушидан фойдаланаётган машҳур Ниагара шаршарасининг 4 млн от қувватидан тўлиқ фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳам муҳокама этилаётгани, “бу каби мисоллар бизнинг қаршимизда оёғидан бошигача электр билан таъминланган рақиб турганлигини кўрсатади”, деб таъкидлайди [5; 6].

Нотиқ ўз сўзида мамлакатнинг Европа қисмида кўзда тутилган 27 станциядан ташқари, Ғарбий Сибирнинг Кузнецк районида қуввати 40 минг кВт га тенг битта буғ электр станциясини ҳамда Олтой ва Туркистоннинг бой районларида биттадан гидроэлектр станцияси бунёд этиш мўлжалланганлигини баён этиб, электрлаштириш орқали ушбу бой районларнинг кўриниши қанчалик ўзгаришини уқтириб, улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишга вақти етмаслигини таассуф билан айтган [5; 38].

Таъкидлаш ўринлики, ГОЭЛРО режасининг муваффақиятли амалга оширилиши учун қатор сабаб ва омиллар бўлиб, уларни илмий, ташкилий ва ижтимоий (тарғибот) каби гуруҳларга ажратиш мумкин [6; 396]. Съезд қарорида ҳам “Халқ Комиссарлари Кенгаши етарли даражада илмий ёки амалий тайёргарликка эга барчани ёппасига электрлаштириш режасини тарғиб этиш ва уни тушуниш мақсадида керакли билимларни ўқитиш учун сафарбар этиш бўйича қарор қабул қилиш топширилади” [7; 216].

ГОЭЛРОни амалга ошириш сарф-харажатларига комиссия тасарруфига 20000000 рубль миқдордаги махсус кредит маблағи ажратилган [7; 138].

Электр энергетика хўжалиги тараққиёти ГОЭЛРО режасида иккита: “А” ва “Б” дастурлардан иборат шаклда қабул қилинган. Биринчи “А” дастур урушгача бўлган электр хўжалигини тиклаш, иккинчи “Б” дастур эса янги электр станцияларини қуриш дастури эди. Биринчи дастурда мавжуд электр станцияларининг қувватини кенгайтириш бўйича тиклаш ва таъмирлашни ҳамда эски электр қурилмаларнинг ишлаш сифати кўрсаткичларини яхшилаш тадбирларини амалга оширишни мақсад қилган [8].

ГОЭЛРОнинг “Б” дастурида 30 та иссиқлик ва йирик район гидроэлектр станцияларини бунёд этиш, уларнинг умумий қувватини 1750000 кВт га, ишлаш қувватини эса 1425000 кВт га етказишни режалаштирган. Иссиқлик станцияларнинг ўрнатилган қувватини зарур захира қувватларини инобатга олиб 110000 кВт га, гидростацияларнинг қувватини 640000 кВт га етказиш, Туркистондаги ГЭСнинг ишлаш қувватини 40 минг кВт га етказиш мўлжалланган[9; 12].

Миллий Республикалардаги мавжуд қолоқ саноатни жадаллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, Туркистонда ҳам гидростанциялар қуриш лойиҳалари аниқланган.

ГОЭЛРО комиссияси фаолияти мобайнида И.В. Сталин атиги бир бор электрлаштириш соҳасида ўзини кўрсатган. Унинг 1921 йил мартада В.И. Ленинга йўллаган мактубида жумладан шундай дейилади: “Менинг фикрим: 1. Режа ҳақида сафсата сотишга энди бир дақиқа ҳам йўл қўймаслик; 2. Амалий жиҳатдан зудлик билан ишга киришиш; 3. Ушбу иш манфаати учун камида 1/3 ишларимизни унга бўйсундиришимиз лозим; 4. ГОЭЛРО ходимларида соғлом амалиёт етишмаслиги боис, режа комиссиясига жонли амалиётдан “ижрони адо этиш”, “муддатида бажариш” тамойилида ҳаракат қилувчи одамларни кўшиш ва ҳоказо; 5. “Правда”, “Известия”, айниқса “Экономическая жизнь”га “Электрлашлаштириш режаси”ни оммага тарғиб этиш билан шуғулланиш мажбурияти юклансин” [10; 37].

Сталин мактуби бир неча ўн йилликлар давомида ГОЭЛРО комиссиясининг ҳужжатини “СССРни электрлаштиришнинг Ленин–Сталин режаси” сифатида улуғлаб келишга асос бўлиб хизмат қилди. Бу тасаввур совет жамиятида XX аср 50-йилларининг иккинчи ярмига қадар сақланиб қолди.

ГОЭЛРО мамлакат халқ хўжалигининг электрлаштиришга бўлган талабига тўлиқ жавоб бериш асосида тузилган ягона халқ хўжалиги режаси бўлиб, барча талабларга жавоб бериши учун электроэнергетика ривожига қуйидаги тамойилларга асосланиши керак эди:

1) халқ хўжалигининг бошқа барча соҳаларида бутунича электр энергетиканинг илгарिलाши;

2) унинг ривожига бўйича шундай йўлларни танлаш керакки, қисқа муддат ичида кам харжлар эвазига электростанцияларнинг қувватини ошириш (электростанциялар қуввати ва алоҳида агрегатларни бир жойда тўплаш (концентрация); электр таъминотини марказлаштириш);

3) электр энергия ишлаб чиқаришда анча оддий ва арзон бирламчи энергия захираларидан фойдаланиш[11; 24].

Санаб ўтилган тамойиллар ГОЭЛРО режасида тўлиқ ўз аксини топган, мамлакатнинг барча кейинги режалари учун асос бўлиб хизмат қилган.

Россиянинг Европа қисмида 27 та, Сибирь ва Туркистонда 3 та район электр станцияларини қуриш мўлжалланган бўлиб, буғ билан ишлайдиганларининг умумий қуввати қарийб 1 млн кВт, электр станциялар қуввати эса тахминан 500 минг кВт бўлиши режалаштирилган[12; 13].

ГОЭЛРО режаси кўп йиллик қурилишлар бўлиб, В.И. Лениннинг ўша даврдаги таъбири билан айтганда “узоқ даврга ва жиддий муваффақиятга режа тузмасдан ишлаш мумкин эмас”, эди[13; 41].

Совет ҳокимияти электрлаштириш режаси орқали халқ хўжалиги барча тизимларини тубдан ўзгартиришга, ўтмишдан мерос бўлиб қолган диспропорцияни йўқ қилиш ва тараққиётнинг янги мақсад ва вазифаларига жавоб бера оладиган мажмуани яратишни, саноатнинг техник реконструкцияси учун қатор янги ишлаб чиқариш соҳаларини яратиш, ишлаб чиқариш механизациясини электрлаштиришни “мутлақ янги асосда” “тўлиқ қайтадан барпо этиш”ни режалаштирган. Шунингдек, ёқилғи балансини ишлаб чиқишда уни қазиб олишни кескин ошириш ва мамлакатда рационал жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган.

ГОЭЛРО режасида қудратли район электр станцияларини бунёд этиш ва уларни бир-бири билан юқори кучланишли электр узатиш линиялари билан ўзаро боғлаш, барча йирик саноат ишлаб чиқаришини 1913 йилги кўрсаткичдан 80-100 % ортишини чамалаган.

ГОЭЛРО режасининг эътиборни жалб этадиган томони шунда эдики, у электрлаштиришнинг тор техник режаси бўлмай, ҳақиқатан халқ хўжалиги тараққиётини умумий дастури бўйича қайта ташкил этишга мўлжалланган директив хусусиятга эга даврий режа эди. Электрлаштириш асосида ГОЭЛРО комиссияси илк бор алоҳида саноат тармоқларининг ҳолати бўйича ўз даври учун бой материал тўплабгина қолмай, балки алоҳида районлар бўйича саноат тармоқлари, транспорт, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш асосида халқ хўжалигини тараққий эттириш ва тиклаш бўйича аниқ режаларга эга эди [1; 90].

1920–1921 йилларда ёш совет Республикаси атиги 12000 кВт янги қувватларни ишга туширишга эришган. В.И. Ленин бундан баҳолаб қуйидаги фикрларни билдирган: “Бошланишда 12000 кВт жуда кам кўрсаткич. Америка, Германия ёки Швециянинг электрлаштирилиши ҳақида таниш бўлган чет эллик бундан кулиши ҳам мумкин. Лекин охирида кулган яхши кулади” [14; 4].

Уруш вайронагарчилигидан сўнг дунёдаги биринчи истиқболли режа сифатида қабул қилинган ГОЭЛРОни В.И. Ленин “партиянинг иккинчи дастури” деб баҳолаган эди [1; 105]. ГОЭЛРО тарғиботи ва қишлоқни электрлаштириш илк совет даврида қудратли кампания сифатида амалга оширилиб, у электр станцияларнинг бунёд этилиши, қишлоқ электр станцияларини ташкил этиш, болалар таълими ва бадиий адабиёт, визуал маданиятнинг муваффақиятли тарихини ёритиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Бунда электр чироғи ва электр энергия Ленин сиймосида гавдалантирилди. У яратувчи, саноатлашган дунёнинг илоҳи сингари оламга ёруғлик инъом этувчи, ўз қўллари билан (имзолари, нуқтаи назарлари ва ҳоказо) мураккаб муҳандислик иншоотлари ишга тушурувчи, электр нури (ва маърифат)ни тарқатувчи маданият қаҳрамони сифатида кўрсатилган.

Визуал маданиятда юқоридан қуйигача электр нурининг Ленин сиймоси билан боғлиқ қонунийлашган репрезентацияси шаклланди ҳамда “Ильич чироғи” деган метафора (мажоз) мустаҳкамланди. Масала бунда фақатгина Ленинни илоҳийлаштиришдагина эмас, электр нурининг афсонавийлигида, унинг қарийб ақл бовар қилмайдиган жонлантирувчи алхимик ва ҳаёт ато этувчи куч сифатида идрок қилишда эди [15; 108].

Юқоридагиларга қарамай, партиянинг ичида режани кўпчилик қўллаб-қувватлаганлар орасида В.И. Лениннинг саъй-ҳаракати муваффақиятига

иккиланганлар ҳам бўлган. Тарихчи Н.В. Марков (Урал федерал университети, Россия) уларнинг аксарияти социализмнинг душманлари, сўл ва ўнг қараш вакиллари бўлиб, ГОЭЛРО илмий режасини нима қилиб бўлса-да, қоралашга интилганлар, деб баҳолайди [16; 347]. Ана шундай қаршилардан бири Ю. Ларин бўлиб, “Правда” газетасида чоп эттирган “Совет саноатининг сирлари” («Тайны советской промышленности») сарлавҳали мақоласида режани қаттиқ қоралаб, “Режанинг фаолияти академик хусусият касб этади. У аниқ таклифлар бермайди” [17; 348], деб ёзади.

Гарчанд ГОЭЛРО режаси тарихда мисли бўлмаган шиддат билан амалга оширилгани, бунга авваллари айтилганидек, фақатгина халқнинг ғайрат, иштиёқигина эмас, балки жамоатчиликдан яширилган номаълум қатор жиҳатлар ҳам сабаб бўлган. Қурувчиларнинг аксариятини сафарбар этилган “қурилиш-меҳнат хужум армиялари” (“стройтрудоармия”) жангчилари эмас, қамокда сақланган маҳбуслар ташкил этган. Дастурни амалга оширишда мамлакат маданиятининг нодир хазиналари кенг миқёсда четга сотилган. Шунингдек, ўша шарт-шароитда мамлакатнинг кўплаб минтақаларида, биринчи галда Волгабўйи ва Украинада очлик авжига чиққан паллада ғалла ҳам четга сотилганлиги [18; 320], баъзи тарихчиларнинг фикрича “тарихнинг кескин бурилишлари даврида давлат-хўжалик қурилиши ишида тоталитар-марказлашишнинг бошланиши ўз натижаларини берар, сиёсий ва иқтисодий эркинлар шароитида эса бунинг имкони бўлмас эди” [19; 89].

Сўнгги йилларда чоп этилган қатор асарларда ГОЭЛРО халқ хўжалиги тармоқлари тараққиёти ва иқтисодий районларни электрлаштириш билан боғлиқ истиқболли режа бўлиб, уни электрлаштириш режаси деб қатъий айтиб бўлмайди, деган фикрлар илгари сурилмоқда. Жумладан, тарихчи Н.С. Симонов (Россия) бир монографиясида “режа уни қабул қилинган (1920 йил)дан 10 йил ўтгач, Россия саноат ишлаб чиқаришини 1913 йилдаги кўрсаткичнинг 80 % ига етказишни мўлжаллагани, тўқимачилик саноатини 47 %, кимё саноатини 15 %, қора металлургия ва машинасозликни 100 % га ошириш, бунда электр энергия ишлаб чиқариш 1930 йилга келиб 8,8 млрд кВт соатдан камни ташкил этмаслиги шарт бўлган” [20, 22] лигини қайд этади.

1919–1920 йиллар давомида белгиланган режаларни бажариш мақсадида Тошкентда эски ярим қўлбола корхоналар асосида транспорт-механик ва қуюв-механик заводларини таъмирлайдиган механик ишхона ташкил қилинди. Худди шу йилда Тошкент трамвайининг дизелларини ҳамда Фарғона, Андижон, Самарқанд электр станцияларини таъмирлашга киришилди. Буларнинг ҳаммаси 1920 йилнинг охиридаёқ ишга туширилди [21; 18].

1921 йил Хилково цементи заводи қурилиши қайта тикланди. Фарғона пиллакашлик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектр станцияси барпо этила бошланди. 1924 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қуриб битказилган Бекобод цемент заводи, 9 та электростанция, 2 та металл ишлаш заводи, 2 та тикувчилик ва 1 та пиллакашлик фабрикалари ишлай бошлади ва ҳоказо [22; 189].

Гарчи электр энергияси ишлаб чиқариш “1913 йилга қараганда 4 бараварга ошиб, ишлаб турган район электростанцияларининг умумий қуввати 36 % ни ташкил этган”лиги [13; 46] даъво қилинса-да, аслида мамлакатда электроэнергия ишлаб чиқариш 1921 йилда 520 млн кВт, 1922 йилда 775 млн кВт, 1923 йилда 1146 млн кВт,

1924 йилда 1562 млн кВт ни ташкил этган бўлиб[9; 19], бу урушдан олдинги (1913 йил) 1945 млн кВт кўрсаткичдан 400 млн кВт кам эди.

Айнан ана шундай қолоқ техник-иқтисодий асосда совет давлати электрлаштириш сиёсатини амалга ошириб, амалда ГОЭЛРО режаси халқ хўжалигининг истиқболдаги бир неча йилларга мўлжалланган тараққиёти учун асосий режа бўлиб хизмат қилиши керак эди. У халқ хўжалиги, унинг алоҳида тармоқлари ривожининг умумий йўналиши учун тўғри ва аниқ кўзда тутган кўрсаткичларга эришишга мўлжаллангани билан, аммо бош истиқболли режа сифатида ГОЭЛРО режаси алоҳида йиллар ва хўжалик тараққиёти босқичлари бўйича ўзининг якуний тахминларини 20-йилларнинг охирига келибгина ўн-ўн беш йиллар аввал (1913 йил)ги кўрсаткичлардан бирозгина ошган[1; 227].

Ислохотларни саноат соҳасида қўллашнинг таркибий элементларидан бири ленинча “давлат капитализми” ғояси эди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шакллари вақтинча тиклашни назарда тутар, бироқ муҳим соҳалар, биринчи навбатда йирик саноат социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлган давлат қўлида сақланаётган эди. Бу эса электрлаштириш соҳасида ҳам рақобат асосидаги мулкчилик шаклларига тўсқинлик қилиб, саноатнинг давлат тизгини остида бирёқлама ривожланишига шароит яратди.

Юқоридаги омилларга қарамай, 1921–1922 йилларда электрлаштириш режаси хорижда анча кенг фикр-мулоҳазаларга ҳам сабаб бўлди. Чет давлатларнинг тараққийпарвар зиёлилар қатлами совет электрлаштириш режаси ҳақида ижобий фикрларини билдиришган. Хусусан, америкалик таниқли электротехник, профессор К. Штейнмецнинг таъкидлашича, фақатгина совет ҳукумати халқ хўжалигида илғор техниканинг улкан аҳамиятини тарихда илк бор тушунган [23; 13].

1922 йилда Буюк Британиянинг “Manchester Guardian” (“Манчестер Гардиан”) инглиз газетаси махсус иловасини Европанинг барча тилларида оммавий нусхада чоп этиб, унда ГОЭЛРО режасининг қисқача баёнини эълон қилган [24; 77].

Бинобарин, ГОЭЛРО режаси назарий ва амалий нуқтаи назардан ноёб бўлиб, жаҳон ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий амалиётида муқобили йўқ, аксинча у ноёблиги, ўзининг амалий ҳаққонийлиги билан жаҳоннинг етакчи мамлакатлари томонидан ундан намуна олишга сабаб бўлган. Масалан, ГОЭЛРО режаси асосида 1923–1931 йилларда АҚШ (Фран Баум раҳбарлигида), Германия (Оскар Миллер ишлаб чиққан), Англия (Вейер комиссияси деб аталган), Франция (муҳандислар Велем, Дюваль, Лаванши, Мативэ Моляр), Польша, Япония ва бошқа давлатларда электрлаштириш дастурлари эълон қилинган. Бироқ уларнинг барчаси режалаштириш ва техник-иқтисодий ишлаб чиқиш босқичидаёқ муваффақиятсизлик билан тугаган.

Хулоса. Биринчи жаҳон урушининг Туркистонга таъсири, большевиклар режимининг ўрнатилиши ўлкани электрлаштириш ҳолатига ҳам салбий таъсирини кўрсатди. Туркистоннинг географик жиҳатдан марказий Россиядан узоқда жойлашганлиги, мустамлака даврдан мерос бўлиб келган қолоқ саноат, 1918–1920 йиллардаги иқтисодий ва сиёсий танглик, минтақада электрлаштириш масалаларини турғунлик ҳолатидан чиқишига тўсиқ бўлиб турди. Саноат тармоқларини бунёд этиш, уларни ўлка бўйлаб жойлаштириш ҳамда электрлаштиришга етарли эътибор қаратилмади. БХСР ва ХХСР ҳудудида электр энергия Туркистоннинг марказий

туманларига қараганда анча кеч кириб келиши билан бирга, саноатни четлаб, асосан ёритиш мақсадларида фойдаланилган, холос.

Совет бошқаруви даврида Туркистонда электрлаштириш масалаларини ўрганиш натижаларидан тарих, иқтисодиёт, фан ва техника, архившунослик каби фанлараро илмий тадқиқотларда, ўқув ва илмий-оммабоп адабиётларни яратиш ва жамоатчиликка етказиш яқин тарихимизнинг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Лященко П.И. История народного хозяйства СССР. Т. III. Социализм. – М.: Гос. изд-во политической литературы, 1956.
2. Никитин Н.П. План ГОЭЛРО и зарождение советской экономической географии // Вопросы исторической географии и истории географии. – М., 1973.
3. Экономическая жизнь СССР. Хроника событий и фактов 1917–1965. В двух томах. Книга первая 1917–1950. – М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1967.
4. Струmlin С.Г. Планирование в СССР. – М.: Гос. Изд-во полит. литературы, 1957.
5. Кржижановский Г.М. Об электрификации (Речь на 8-м съезде Советов). – М.: Государственной изд-во, 1921.
6. Еряшева М.С. План ГОЭЛРО как успешный проект: факторы реализации // Документ. Архив. История. Современность: Материалы VII Всероссийской научно-практической конференции. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2018.
7. К истории плана электрификации Советской страны. Сборник документов и материалов 1918–1920 гг. / Под ред. И.А. Гладкова. – М.: Политиздат, 1952.
8. Кржижановский Г.М. Об электрификации (Речь на 8-м съезде Советов). – М.: Государственной изд-во, 1921. – С. 11; Александров Б.А. Сталинский план преобразования природы в действии. – М., 1952. – С. 153.
9. Кржижановский Г.М., Стеклоv В.Ю. Ленинский план электрификации в действии. – М.: «Знание», 1959.
10. Гвоздецкий В.Л. К 95-летию плана ГОЭЛРО: исторические реалии и сложившиеся трактовки // Институт истории естествознания и техники им. С.И. Вавилова. Годичная научная конференция (2016). – М.: ИИЕТ РАН, 2016.
11. Виленский М.А. По ленинскому пути сплошной электрификации. – М.: «Наука», 1969.
12. Кржижановский Г.М. Состояние работ Государственной Комиссии по электрификации России // Труды Государственной Комиссии по электрификации России ГОЭЛРО. Материалы по электрификации отдельных районов. – М.: «Наука», 1964.
13. Ленинский план социалистической индустриализации и его осуществление / Ред. коллегия: П.Н. Поспелов (руководитель) и др. – М.: Политиздат, 1969.
14. Маркин А.Б. Будущее электрификации СССР. – М.: Гос. изд-во полит. литературы, 1956.
15. Ленинизм и экономические проблемы коммунистического строительства в СССР / Под ред. д-ра экон. наук Борисова Е.Ф. – М.: Политиздат, 1969.

16. Никифорова Н.В. Лампочка и символические аспекты в пропаганде электрификации // «Общество. Среда. Развитие». – Санкт-Петербург, 2017, – №4.
17. Марков Н.В. План ГОЭЛРО в оценках современников // Документ в современном обществе: между прошлым и будущим: тезисы X Всероссийской студенческой научно-практической конференции. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017.
18. Симонов Н.С. Развитие электроэнергетики Российской империи: предыстория ГОЭЛРО. – М.: Русский фонд содействия образованию и науке, 2016.
19. Гвоздецкий В.Л. План ГОЭЛРО – стратегическая программа социально-экономического и научно-технического развития Советского государства. <https://www.portal-slovo.ru>
20. Симонов Н.С. Начало электроэнергетики Российской империи и СССР, как проблема техноценоза. – М.: Инфра-Инженерия, 2017.
21. Десятчиков Б.А. Ўзбекистонни электрлаштириш. – Тошкент: Ўздавнашр, 1949.
22. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2-китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000.
23. Сделаем Россию электрической. Сборник воспоминаний участников Комиссии ГОЭРЛО и строителей первых электростанций. – М – Л.: Гос. Энергетическое изд-во, 1961.
24. Гладков И.А. От плана ГОЭЛРО к плану шестой пятилетки. – М.: Изд-во АН СССР, 1956.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ 5/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).